ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК 94 (575.1)

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ

А.А.Абдухалимов

Мақолада мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар водий вилоятлари (Андижон, Наманган ва Фарғона) қишлоқлари мисолида баён қилинган. Бу даврда умумтаълим мактабларининг қурилиши, уларнинг моддий- техника базасининг мустаҳкамланиши масалалари ёритилган. Мактаб ўқувчилари ва таълим соҳаси ходимларининг ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари архив материаллари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *умумтаълим мактаблари, моддий-техника, ўқув-лаборатория жиҳозлари, иқтидорли ёшлар, таълим-тарбия.*

В статье рассматриваются реформы, проводимые в Узбекистане в годы государственной независимости на примере сел Ферганской долинны – Андижанской, Наманганской и Ферганской областей. Освещаются вопросы строительства общеобразовательных школ и укрепления их материально-технической базы в изучаемый период. Основываясь на архивныв материалы, анализируется состояние социальной защиты школьников и работников образования

Ключевые слова: *общеобразовательная школы, материально-техническая база, учебно-лабораторное оборудование, одаренная молодежь, воспитание и обучение.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини бугунги кунда маҳаллий ва хорижий етакчи экспертлар халқ равнақи ва юрт тараққиёти йўлидаги муҳим дастур сифатида эътироф этмоқдалар. Дарҳақиқат, Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизни ривожлантириш йўлидаги янги қадамлар белгилаб берилган бўлиб, унда яқин келажакда ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларида туб ислоҳотларни амалга ошириш режалаштирилган.

Жумладан, «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган тўртинчи йўналишида «Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш» масалалари ўрин олган бўлиб, «...узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш;

таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чоратадбирларни кўриш» каби вазифалар белгилаб берилган [1].

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқаришимиз керак.

Умумий ўрта таълим тизимини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш, фарзандларимиз ҳар томонлама камол топиши учун барча шароитларни яратиш лозим» деб таъкидлаб ўтган эди [2].

Албатта, бугунги кунда юртимизда таълим соҳасига берилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук ва ақлан баркамол инсон бўлиб камол топишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Президентимиз айтганларидек, бунинг учун «мамлакатимизда давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7 фоизи таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда» [3. Б. 32]. «Бу, аввалambор, таълим ва маърифат тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни замонавий билим олишга йўналтириш, баркамол шахсни тарбиялаш билан боғлиқ эканини биз яхши англаймиз. 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида мазкур соҳа тубдан ислоҳ қилинди, замонавий узлуксиз таълим-тарбия тизими яратилди» [3. Б. 32].

Бу борада ўтмишга бир назар солсак, мамлакатимизда мустақиллик арафасидаги қийинчиликларга қарамай, 1992 йил 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, 1991 – 1996 йилларда эълон қилинган 30 дан зиёд Президент фармонлари ва Вазир-

лар Маҳкамасининг қарорлари асосида таълим соҳасида қатор ўзгаришлар амалга оширилди [4. Б. 588].

«Таълим тўғрисида»ги Қонунни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ қилиш борасида амалга оширилиши керак бўлган ишлар кўп эди. Болалар боғчаларида, умумтаълим мактабларида ва ҳунар-техника билим юртларида таълим-тарбия жараёнини мустақил давлатимизнинг талаб ва эҳтиёжлари даражасига кўтариш, тарбиячи ва ўқитувчиларнинг меҳнат фаолиятида самарадорликни ошириш зарур эди.

Биргина Андижон вилоятда 1992 йили фаолият кўрсатган 649 та умумтаълим мактаб ва интернатларда 400 мингга яқин ўқувчи янги ўқув йилини бошлаган бўлса, 47 мингдан зиёд ўқувчи янги ўқув йилига қабул қилинган. Улардан 198974 нафар ёки жами ўқувчиларнинг 47 фоизи 1 – 5-синф ўқувчилари бепул нонушта, 95513 нафар ўқувчи куни узайтирилган гуруҳларда иссиқ овқат билан таъминланган. Бунинг учун 7429 минг сўм маблағ ажратилган [5. Б. 71].

Республика Президентининг 1992 йил 26 мартдаги фармони ижроси юзасидан Андижон вилоятида 64 мингдан зиёд халқ таълими ходимларининг ойлик иш ҳақлари имтиёзли овқатланишлари учун берилаётган маблағ унга кирган ҳолда 1,7 баробарга оширилган. Натижада ўқитувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари 918 сўмдан 1562 сўмга, мактаб раҳбарлариники эса 1261 сўмдан 1843 сўмга етган [5. Б. 14].

1994 йилда Андижон вилоятини иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришнинг истиқболини кўзлаб, ёшларни ўқитиш, тарбиялаш ва кадрлар тайёрлашга эътиборни кучайтириш мақсадида вилоят ҳокимлигининг иқтидорли ёшларни танлаш ва ўқитиш бўйича махсус дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган. 5 минг нафарга яқин иқтидорли болалар эса умумтаълим мактабларидаги табақалаштирилган ва чуқурлаштирилган синфларда ўқиганлар [5. Б. 17].

Республика миқёсида айрим фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиладиган мактаблар сони 1991 йилда 31 та бўлган бўлса, 1996 йилга келиб 169 тани ташкил этди [6. Б. 147].

1995 йилда Фарғона вилояти Ёзёвон туманида энг катта – 560 ўринли мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 3700 нафар ўқувчига мўлжалланган 7 та мактабда қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилиб, бу объектларда 13,8 миллион сўмлик қурилиш ишлари туман имкониятидан келиб чиққан ҳолда ҳашар усулида қуриб битказилган [7. Б. 4].

1997 йилнинг 1 апрель ҳолатига Андижон вилояти аҳолисининг сони 2096,2 минг кишини ташкил этиб, улардан 23 фоизи мактаб ёшидаги болалар бўлган. Бу даврда вилоятда 741 та умумтаълим мактаблари фаолият юритиб, мактаб ёшидаги болаларнинг барчаси мактабларда таълим олган [5. Б. 28].

1997 йил 29 августда республика Олий Мажлисининг IX сессиясида И.А.Каримовнинг «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» маърузаси асосида янги таҳрирда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.

«Таълим тўғрисида»ги янги қонун ва дастурда узлуксиз таълим бир неча босқичларда амалга оширилиши белгилаб берилди [8. Б. 601].

1999 йилда Андижон вилояти ҳудудида 5 та 1640 ўринли мактаб қурилиб, ишга туширилган. 4000 дан ортиқ ўқув парталари таъмирланган. 1000 дан ортиқ янги парталар олиб келиниб, кераклы мактабларга тарқатилган. Таълим муассасалари фаолияти вилоят ҳокимлиги томонидан назорат остига олинган. 5000 дан зиёд ўқитувчи йил давомида қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган. 23 нафар педагог Давлат мукофотларига сазовор бўлган [5. Б. 9].

2000 йил ҳолатига вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфида 738 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатган. Уларда 45000 дан зиёд таълим ходимлари ярим миллиондан ортиқ болаларга таълим-тарбия берганлар. Мана шу давр мобайнида Андижон халқ таълими бошқармаси республикада ўз фаолиятини, ташаббускорлигини мустаҳкамлаб, республика фан олимпиадалари натижаси бўйича 11-ўриндан 5-ўринга, ўқувчиларнинг билими ҳамда умумий кўрсаткичлар бўйича эса 7-ўриндан 4-ўринга кўтарилган [5. Б. 8]. Лекин мазкур соҳада йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам кўз юмиб бўлмайди. Вилоят ҳудудидаги баъзи мактаблар ва бошқа таълим муассасаларини жиҳозлаш, зарур ўқув қуроллари билан таъминлашни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳоллари кузатилган. Айниқса, ёқилғи муаммоси ниҳоятда қийин кечган.

1999 йилда Андижон вилоятида авария ҳолатидаги мактаблар сони 51 тани ташкил этиб, 27 фоизга яқин мактаблар мослаштирилган биноларда жойлашган. Қурилиши тугалланмаган мактаблар сони эса 30 га яқин бўлган [5. Б. 9].

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ж.Ғ.Йўлдошевнинг 2000 йил 01-255-сонли Андижон вилояти ҳокими Қ.Ғ.Обидовга йўллаган расмий хатида вилоятда таълим соҳасидаги ишларга танқидий фикрларини билдирган. Жумладан, ушбу хатда ўша даврда Андижон вилоятида 380,5 минг ўқувчига мўлжалланган 738 та умумтаълим мактабларида 510 мингдан зиёд ўқувчилар иккинчи сменада таълим олганлиги, мактабларнинг 72 минг ўқувчига мўлжалланган 243 таси мослаштирилган биноларда, шу жумла-

дан, 16 минг 458 ўринли 50 та мактаб авария ҳолатидаги биноларда жойлашганлиги, кўпгина мактаблар бундан 30 – 40 йил аввал, фундаментсиз, деворлари лой – пахсадан қурилган, мослаштирилган биноларда жойлашганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, вилоятда кейинги йилларда таълим муассасаларини куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш масаласида йўл қўйилаётган камчиликлар, хусусан, биноларни, уларнинг иситиш тизимларини капитал таъмирлаш учун ажратилаётган маблағларнинг йилдан-йилга камайиб бориши, қатор таълим муассасаларининг узоқ йиллардан бери капитал таъмирланмаслиги натижасида синф хоналарининг иситилмаслиги, деворларнинг зах тортиши, томлардан чакка ўтиши оқибатида мактаб биноларининг яроқсиз ҳолга келиб қолаётганлиги таъкидлаб ўтилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Андижон вилоятида амалга оширилиши керак бўлган ишлар юзасидан амалий ёрдам беришини сўраган [5. Б. 30].

Бу даврда Наманган вилоятида ҳам ушбу йўналишда қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар ҳам мавжуд эди. Жумладан, 2004 йилда вилоятдаги 673 та умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг қарийб 30 фоизи 2 сменада ўқиган. 11 минг 300 ўринли 24 та мактаб қурилиши охирига етказилмаган.

Мактабларнинг 175 таси капитал реконструкцияга, 353 таси капитал таъмирлашга ва 145 таси жорий таъмирлашга муҳтож бўлган. Шунга қарамай, 1990 йили вилоятдаги 565 та ўрта таълим мактабларида 361 минг ўқувчи таълим олган бўлса, 2006 – 2007 ўқув йилига келиб эса 680 та умумтаълим мактабларида ўқувчи ёшлар сони 473,2 минг нафарга етган [9. Б. 138]. Лекин бу даврда айрим мактаблар ва синфларда таълим-тарбия ишлари замон талаби даражасида бўлмаган. Уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йилдан-йилга яхшиланиш ўрнига сусайиб борган. 65 минг ўқувчи билим олаётган 160 та мактаб мослаштирилган бинода жойлашган [7].

Фарғона вилоятида эса 2007 йил қурилиш-таъмирлаш манзилли рўйхатига киритилган 144 та мактаблардан 2 таси янги қуриш, Фарғона тумани Сойбўйи қишлоғидаги 315 ўринли 31-сонли мактабга 825,3 миллион сўм режалаштирилган бўлиб, чорак давомида 310,0 миллион сўм (36 фоиз) ўзлаштирилган. Данғара тумани Урганжи қишлоғидаги 315 ўринли 32-сонли мактабга эса 821,6 миллион сўм маблағ режалаштирилган бўлиб, чорак давомида 280,0 миллион сўм (33 фоиз) ўзлаштирилди. 2007 йил 1 чорак якуни бўйича Фарғона вилоятидаги мавжуд 910 умумтаълим мактаблари ҳолати ўрганилиб, таҳлил қилинган. Вилоятда 910 мактабдан 842 таси 2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига киритилган. Шундан 10 та янги мактаб қурилиши, мавжуд умумтаълим мактабларининг 215 таси капитал реконструкция қилиниши, 372 таси капитал таъмирланиши ва 245 таси жорий таъмирдан чиқарилиши режалаштирилган бўлса, ушбу дастур асосида 2006 йилда вилоятда 85 та мактаб капитал реконструкция қилиниб таъмирланган. Иккита мактаб янгидан бунёд этилган, холос [10. Б. 64].

Айрим мактаблар ва синфларда таълим-тарбия ишлари замон талаби даражасида бўлмаётганлиги сир эмас. Уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йилдан-йилга яхшиланиш ўрнига сусайиб борган. 65 минг ўқувчи билим олаётган 160 та мактаб мослаштирилган бинода жойлашган. Улардан 64 таси эса авария ҳолатида бўлган [7].

2006 – 2007 ўқув йилида жами республикадаги умумтаълим мактабларининг 80 фоизга яқини қишлоқ жойларда ўрнашган ҳолда унда таълим олувчилар сони 3901,5 мингтани ташкил этган [11. Б. 16].

Андижон вилоятида 2008 йилда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига асосан 2 та янги мактаб қурилди, 31 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 96 та мактаб капитал ва 15 та мактаб жорий таъмирланди. Ушбу мақсадлар учун 19 млрд. 831,5 млн. сўм маблағ сарфланди [5. Б. 85].

«2004 – 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321-сонли қарорига асосан 2009 йилда 55 та (19074 ўқувчи ўрин) мактабларини капитал реконструкция қилиш учун 19,7 миллиард сўм, шундан ҚМИ ҳамда жиҳозлар сотиб олиш учун 19,2 миллиард сўмлик маблағлар йўналтирилиши режалаштирилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати билан хорижий инвестициялар ва кредитлари ҳисобидан (ИТБ) 2 та 630 ўқувчи ўринли янги мактаб қурилишига 2,1 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган. 2009 йил январь-май ойларида умумтаълим мактабларини капитал реконструкция қилиш ишларига 16,6 миллиард сўм ёки йиллик лимитга нисбатан 87,5 фоиз капитал маблағлар ўзлаштирилган [10. Б. 151].

2009 йилда вилоят бўйича 89 та умумтаълим мактабларини мукаммал таъмирлаш учун бюжет маблағлари ҳисобидан 13,5 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, 2009 йил 1 июнь ҳолатига 5,9 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилган. Йиллик лимитга нисбатан 43,4 фоизга бажарилган. Бола-

лар спортини ривожлантириш фонди ҳисобидан 1 та болалар спорт комплекси, 16 та умумтаълим мактаб ҳудудида қўшимча 1 тадан спорт зал биноси қуришга ва 1 та сузиш ҳавзасини мукаммал таъмирлаш учун 3,5 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиши белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида 2,3 миллиард сўм ёки йиллик лимитга нисбатан 65,7 фоиз маблағ ўзлаштирилган [10. Б. 152].

Сўнгги йилларда ҳам таълим соҳасида мамлакатимиз бўйлаб қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, статистик маълумотларга қараганда, 2016 йилга келиб республикадаги умумтаълим мактаблари сони 1991 йилга (8557 та) нисбатан 13,6 фоизга кўпайган. Лекин улардан 67,2 фоизи икки сменада, 0,1 фоизи уч сменада машғулот олиб борган.

Мамлакатдаги таълим тизимининг аҳволи ҳақида муҳим маълумот берувчи кўрсаткичлардан бири – бу таълим муассасаларида ҳар бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сонидир. У ўқувчилар умумий сонини ўқитувчилар умумий сонига бўлиш орқали аниқланади. 2016 йилда Ўзбекистон Республикасининг умумтаълим мактабларида ҳар бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони эса 12,06 га тенг бўлган [12].

1-жадвал

Республика миқёсидаги умумтаълим муассасалари
(Ўқув йили бошига, бирлик) [13. Б. 68]

Номи	2010/ 2011 йй	2011/ 2012 йй	2012/ 2013 йй	2013/ 2014 йй	2014/ 2015 йй	2015/ 2016 йй
Умумтаълим муассаслари – жами	9806	9780	9779	9758	9733	9720
шу жумладан: қишлоқ жойларида	5970	5967	5956	6017	5958	6019
Бошланғич мактаблар	90	73	72	47	29	21
шу жумладан: қишлоқ жойларида	66	52	51	36	18	10
Умумий ўрта мактаблар	9628	9619	9619	9622	9617	9610
шу жумладан: қишлоқ жойларида	5896	5907	5897	5971	5933	6001
Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаблар	88	88	88	89	87	89
шу жумладан: қишлоқ жойларида	8	8	8	10	7	8

2-жадвал

Республика миқёсида умумтаълим муассасаларидаги синф гуруҳлари бўйича ўқувчилар ва ўқитувчилар сони республика миқёсда
(Ўқув йили бошига, минг киши) [12. Б. 70]

Номи	2010/ 2011 йй	2011/ 2012 йй	2012/ 2013 йй	2013/ 2014 йй	2014/ 2015 йй	2015/ 2016 йй
Ўқувчилар сони – жами	4695,3	4579,4	4491,0	4489,7	4539,7	4670,7
шу жумладан: қишлоқ жойларида	2201,5	2141,6	2078,9	2127,7	2116,9	2198,4
1 – 4-синф ўқувчилари	1939,6	1947,2	1973,1	2025,2	2126,2	2251,8
шу жумладан: қишлоқ жойларида	915,7	916,4	915,8	958,6	988,9	1057,2

5 – 9-синф ўқувчилари	2717,3	2600,6	2495,3	2445,3	2394,7	2400,4
шу жумладан: қишлоқ жойларида	1267,9	1212,9	1158,0	1167,1	1126,8	1139,9
10 – 11-синф ўқувчилари	19,3	12,6	4,0	-	-	-
шу жумладан: қишлоқ жойларида	16,1	10,5	3,4	-	-	-
Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаблар ва синфлар ўқувчилари	19,1	19,0	18,6	19,2	18,8	18,5
шу жумладан: қишлоқ жойларида	1,8	1,8	1,8	2,0	1,2	1,4
Ўқитувчилар сони	427,7	419,8	409,8	395,7	390,6	394,0
шу жумладан: қишлоқ жойларида	231,1	226,5	220,8	220,4	213,2	216,1

Юқоридаги жадваллардан кўриниб турибдики, 2010 – 2016 йилларда мамлакатимиз қишлоқ жойларидаги умумтаълим муассасалари ва умумий ўрта мактаблар сони ортиб борган бўлса-да, бошланғич мактаблар сони кескин камайиб кетган. 10 – 11-синф ўқувчилари сони шаҳарга нисбатан қишлоқларда кўпроқ бўлган. Бунинг асосий сабабларидан бири шаҳар жойларида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига юқори синф ўқувчиларининг кириш кўрсаткичида бўлган.

2017 йилдан бошлаб мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби умумий ўрта таълим тизимини ривожлантиришга катта эътибор берила бошлади. Бу соҳада замонавий бошқарув амалиётга жорий қилиниши натижасида 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта тикланди. Бу эса мактабларда ўқувчилар сони ортишига, синф хоналари етишмаслигига олиб келди. Бу ҳолатнинг олдини олиш учун қўшимча бинолар – тугатилган касб-ҳунар коллежи бинолари халқ таълими тасарруфига ўтказилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида юртимизда ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук ва ақлан баракамол қилиб тарбиялаш, улар учун етарли шарт-шароитларни яратиш ҳамда моддий ва маънавий рағбатлантириш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Бозор иқтисодиёти шароитидаги қийинчиликларга қарамасдан, ўқувчи ёшларга етарли шарт-шароитлар яратиш шаҳар ва туман ҳокимликларинииг ҳамда мутасадди ташкилотларнинг доимий эътиборида бўлган. Бир қатор умумтаълим мактаблари бунёд этилиб, таъмирдан чиқарилди. Энг сўнгги моддий-техника базалари билан мустаҳкамланди. Замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

Биргина Андижон вилоятида вилоят ҳокимлиги томонидан халқ таълимига катта аҳамият берилиши сабабли вилоят таълимда бир қанча соҳалар бўйича ташаббус билан чиқишига имкон яратилди. Жумладан, вилоят ҳокимининг махсус фармойиши билан гимназияларда ишлаётган ўқитувчиларнинг ойлик маошларига 1994 йил май ойидан бошлаб 20 фоиз қўшимча иш ҳақи қўшиб берилганлиги ҳамда энг фидоий ва жонкуяр халқ таълими ходимларини рағбатлантириш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси таъсис этган Бобур, Нодира, Чўлпон, Эшонхўжаев, Абдурасулов ва Акбаров номидаги мукофотларнинг ўн икки нафар соҳибига ҳар йили энг кам ойлик маошнинг ўн баробар миқдоридаги пул мукофоти берилган.

Вилоят халқ таълими бошқармаси қошида 1991 йили «Зиёкор» ҳафтаномасининг ташкил этилиши, Хўжаобод туманидаги Дилкушод қишлоғида 1992 йили Бобур номли вилоят халқ таълими ходимларининг дам олиш уйи ва 1994 йили Хонобод шаҳрида иқтидорли болалар дам олиш уйи ташкил қилиниши ҳам вилоят ҳокимлигининг заҳматкаш халқ таълими ходимларини рағбатлантириш мақсадида амалга оширган савобли ишларидан бири бўлган.

Давлат банкида жорий ҳисобга эга бўлган халқ таълими фахрийлари томонидан Андижон вилоят Кенгаши фаолияти ва вилоят халқ таълими ходимларининг ўлмас анъаналари ва ажойиб ишларини келажак авлодга етказиш мақсадида халқ таълими музейи ташкил қилинган.

Бироқ бу даврда Фарғона водийси вилоятларида «Таълим тўғрисида»ги Қонунни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ қилиш борасида яна кўп ишлар қилиниши керак эди. Болалар боғчаларида, умумтаълим мактабларида ва ҳунар-техника билим юртларида таълим-тарбия жараёнини мустақил давлатимизнинг талаб-эҳтиёжлари даражасига кўтариш, тарбиячи ва ўқитувчиларнинг ишларида самарадорликни ошириш ҳамон муҳим вазифалардан бири бўлган. Бу борада қишлоқ жойларида кўплаб ўқувчилар иккинчи сменада, шаҳарларда эса кечки сменада ўқиганликлари, аксарият ўғил-қизлар таълим олаётган мактаблар биноси авария ҳолатида бўлганлиги фикримизни тасдиқлайди. Мазкур йўналишда таълим муассасаларининг куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш масаласида йўл қўйилаётган камчиликлар, хусусан, биноларни, уларнинг иситиш тизимларини капитал таъмирлаш учун ажратилаётган маблағларнинг йилдан-йилга камайиб бориши, айрим таълим муассасаларининг узоқ йиллардан бери капитал таъмирланмаганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – № 6 (766) – 70-модда. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б. 25 – 150.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

3. *Мирзиёев Ш.М.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

4. *Шамсутдинов Р., Мўминов Ҳ.* Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2013. – 671 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилояти бўлими, 4141-жамғарма. 1, 4, 11, 18-рўйхат. 22, 34, 44, 73, 110-йиғмажилд.

6. *Жўраев Н., Файзуллаев Т.* Мустақил Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2009. – 736 б.

7. Фарғона вилояти давлат архиви, 1220-жамғарма. 1, 2-рўйхат. 5, 59, 60, 122, 161, 169-йиғмажилд.

8. *Муртазаева Р.* Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003 – 675 б.

9. *Хайдаров З.У.* Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи: қиёсий таҳлил. Тарих фан. номз. ... дисс. – Наманган, 2017. – 118 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Фарғона вилояти бўлими, 2048-жамғарма. 18, 21-рўйхат. 1, 27-йиғмажилд.

11. *Тожиева З., Саттаров А.* Демографик вазиятнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари // Жамият ва бошқарув. 2018. – № 4. – Б.16 – 25.

12. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. [Интернет ресурс]. URL: http:// www.stat.uz (Мурожаат этилган сана: 14.10.2019)

13. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. – Тошкент, 2017. – 284 б.

SECONDARY SCHOOLS IN THE VILLAGES OF THE FERGANA VALLEY

A.A.Abdukhalimov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49). 61 – 67.
[1]Andijan State Medical Institute, Andijan, 170127, str.Yu.Atabekov, 1 (Usbekistan). E-mail: agmi-361@umail.uz

Keywords: *general education schools, material and technical, educational and laboratory equipment, gifted youth, education.*

The Strategy of Action in five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 is being recognized by the local and foreign experts as an important program for the development and prosperity of the country. Indeed, the Strategy for Action identifies new steps for the development of our country, which is planned to carry out radical reforms in all aspects of social life in the nearest future.

Particularly, the fourth dimension of the «Priorities of the Social Sector Development» is 4.4. Continue the policy of further improving the system of continuous education, increasing the quality of educational services, and pursuing a highly skilled cadres training that meets modern needs of the labour market;

to see the targeted measures to strengthen their material and technical base through the construction, reconstruction and overhaul of educational institutions, equipping them with modern teaching and laboratory equipments, computer equipments and teaching-methodological manuals. «

Taking into account the objectives set out in the strategy of action, President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev addressed to the Oliy Majlis on December 28, 2018, and said: «We need to bring worthy education to our young people, to realize their aspirations.

It was emphasized that the system of general secondary education should be created on the basis of today's requirements, and that all conditions should be created for the full development of our children.

Looking back at this point, the attention paid to the sphere of education in the country has risen to the level of public policy and from the very first days of independence, great importance has been paid to the development of this sphere. A broad approach to general education and school reform has been introduced.

The article outlines reforms in Uzbekistan in the years of independence. including the situation in the Fergana valley (Andijan, Fergana and Namangan) provinces. The issues of construction of schools, their provision with modern material and technical equipments, educational laboratories, educational and fiction literature are discussed. Free lunches and privacy issues for schoolchildren are provided.

During this period, significant work has been done in our country to bring up the young generation physically healthy, spiritually mature and mentally retarded, creating adequate conditions for them, as well as material and moral incentive. A number of general education schools were built and repaired.

Although positive changes and achievements have been made in the education system for almost 25 years, in this period, some shortcomings have also been identified. The shortcomings in this area and the measures taken to overcome them have been analyzed on the basis of archive materials and sources.

References:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi «O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida»gi PF-4947-son Farmoni [The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 ‘On the Strategy of actions for Further Development of the Republic of Uzbekistan’ № PD-4947. The Law of the Republic of Uzbekistan. No 6 (766), Article 70 (766)]. Tashkent, 2017. Pp.25-150.

2. Mirziyoev, Sh.M. (2018) O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Application of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M.Mirziyoev to the Oliy Majlis]. Xalq so‘zi. December 29.

3. Mirziyoev, Sh.M. (2017) *Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib yangi bosqichga ko‘taramiz* [We will continue our path of national development with determination and bring it to a new level]. Tashkent: O‘zbekistan.

4. Shamsutdinov, R., Muminov, H. (2013) *O‘zbekiston tarixi* [History of Uzbekistan]. Tashkent: Sharq.

5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi arxivi Andijin viloyati bo‘limi [Archive of the Presidential Administration of the Republic of Uzbekistan Andijan Regional Department]. Fund-4141, List-1, 4, 11, 18, Folding Volume-22, 34, 44, 73, 110.

6. Jurayev, N., Fayzullaev, T, (2009) *Mustaqil O‘zbekiston tarixi* [History of independent Uzbekistan]. Tashkent: Literature and art publishing house named after G.Gulyam.

7. Farg‘ona viloyati davlat arxivi [State archive of Fergana region]. Fund-1220, List-1, 2, Folding Volume-5, 59, 60, 122, 161,169.

8. Murtazaeva, R. (2003) *O‘zbekiston tarixi* [History of Uzbekistan]. Tashkent: Yangi asr avlodi.

9. Haydarov, Z.U. (2017) Namangan viloyatining sovet davri va mustaqillik yillaridagi ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy tarixi [Socio-economic and cultural history of Namangan region during Soviet era and independence: comparative analysis]. The dissertation for the candidate of Historical Sciences. Namangan,

10. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi arxivi Farg‘ona viloyati bo‘limi [Archive of the Presidential Administration of the Republic of Uzbekistan Fergana Regional Department]. Fund-2048, List-18, 21, Folding Volume-1, 27.

11. Tadjieva, Z., Sattarov, A. (2018) Demografik vaziyatning ijtimoiy-iqtisodiy jihatlari [Socioeconomic aspects of demographic situation]. *Jamiyat va boshqaruv*. No 4. Pp.16-25.

12. O‘zbekiston Respublikasi davlat statistika qo‘mitasi [State Statistical Committee of the Republic of Uzbekistan]. [Online]. URL: http:// www.stat.uz (Date of Access: 14.10.19).

13. *O‘zbekiston Respublikasi yillik statistik to‘plami* (2017) [Annual statistical collection of the Republic of Uzbekistan]. Tashkent.

Муаллиф ҳақида маълумот:

АБДУХАЛИМОВ Абдурахмон Абдумўминович – Андижон давлат тиббиёт институти Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси. E-mail: abduraxmon777@umail.uz